

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**НОСИРОВА АЗИЗА РУСТАМОВНА**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ДИНИЙ КСЕНОФОБИЯ ВА УНИНГ  
НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

УДК 2.32.9  
Н-76

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Historical Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по историческим наукам**

**Носирова Азиза Рустамовна**

Глобаллашув даврида диний ксенофобия ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	3
--	---

**Nosirova Aziza Rustamovna**

Religious xenophobia in the era of globalization and the peculiarities of its manifestation .....	23
---	----

**Носирова Азиза Рустамовна**

Религиозная ксенофобия в эпоху глобализации и особенности ее проявления... .....	41
--	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....	45
----------------------------------	----

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**НОСИРОВА АЗИЗА РУСТАМОВНА**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ДИНИЙ КСЕНОФОБИЯ ВА УНИНГ  
НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tar355 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iiau.uz](http://www.iiau.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахимджанов Дурбек Абиджанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Агзамходжаев Сайдакбар Сайдович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Исхаков Мирсадик Мирсултанович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_:\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; Факс: (99871) 2440065; E-mail: [info@iiau.uz](mailto:info@iiau.uz)).).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440091.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Д.Р.Махсудов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, тарих фанлар  
доктори (DSc), доцент

**С.А.Рустамий**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филология  
фанлари доктори (DSc), доцент

**З.М.Исламов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филология фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда рўй берадиган дин ва миллатлараро низоларнинг аксарияти диний ксенофобия (*юнон. κσενος – бегона; фобос – қўрқув*) – ўзга дин, эътиқод ва маданиятлардан хавфсираш, асоссиз қўркиш натижасида келиб чиқмоқда. XX-XXI асрлардаги низоларнинг учдан икки қисми айнан диний ва ирқий асосдаги ўзаро тушунмовчилик ҳамда фобия оқибатида келиб чиқаётгани кузатилмоқда. Муаммо кўламининг кенглиги давлатлар барқарорлиги ҳамда дунё ҳалқлари ҳаётининг хавфсизлигига таҳдид сифатида намоён бўлиб, тинчлик ва тараққиётга раҳна солмоқда. Шу боис, глобаллашув даврида диний ксенофобия ва унинг намоён бўлиш хусусиятларини илмий-концептуал тадқиқ этиш устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Дунёнинг кўплаб илмий тадқиқот марказларида ксенофобиянинг генезиси, назарий-методологик асослари, тарихий кўринишлари, глобаллашув даврида намоён бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ксенофобияни ўрганишда фалсафа, тарих, педагогика, психология, ҳуқуқшунослик, диншунослик каби фан соҳалари доирасида тадқиқотлар амалга оширилаётгани унинг фанлараро ёндашувга асосланган қамровга эга эканини кўрсатади. Глобаллашув даврида динлараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда диний ксенофобия негизидаги асоссиз ва сунъий қўрқув натижасида келиб чиқувчи хатти-харакатлар динамикасини таҳлил этиш, унинг олдини олиш механизмларини аниқлаш, илмий-назарий асосларни конкрет таҳлиллар, илмий ментал хусусиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда этноконфессионал муносабатлар ривожини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, турфа миллат ва конфессия вакиллари истиқомат қилаётган мамлакатда сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий барқарорликни таъминлашга қаратилган кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда ксенофобиянинг турли аспектларини илмий-назарий ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг илк йўналиши сифатида мазкур тадқиқот обьекти алоҳида аҳамиятга молик. Шунингдек, минтақа хавфсизлигига таҳдид сифатида намоён бўлувчи экстремизм, терроризм, диний фанатизм каби ҳодисаларга қарши самарали курашда аввало диний ксенофобия профилактикаси муҳим ўрин эгаллаб, “динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш”<sup>1</sup> устувор вазифалардан бири хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5416-сон, 2018 йил 19 сентябрдаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5416-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/>

“Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гурухлар таркибиға адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарлиқдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5542-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 466-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсоният тарихида диний ксенофобиянинг пайдо бўлиши ва унинг ҳозирги глобаллашув давридаги кенгроқ намоён бўлиши билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу феномен аввало психология фанида – “фобия”, яъни “кўркув”ни тизимлаштириш ва таснифлашдаги қарашларга асосланади. Мазкур тадқиқот натижалариға кўра, невротик кўркувдан ташқари, “ўзимиз” ва “ўзгалар” – кўринишида ажратилиб таснифланган, ижтимоий муносабатларда намоён бўлувчи қўркув тури мавжуд экани ҳақида фикрлар билдирилган<sup>2</sup>. Кейинчалик ксенофобияни у билан ўзаро ўхшаш, мантиқан яқин – диний сепаратизм, этноцентризм, гурухдаги фаворитизм<sup>3</sup>, ақидапарстлик каби ҳодисалар қаторида тадқиқ этила бошланди.

Тадқиқот мавзуси доирасида Фарб тилларидағи хорижий адабиётларни ўрганиш катта аҳамият касб этади. Жумладан, Р.Августин, Ж.Августин, Б.Бахлер, Д.Холл, Б.Райни, Ж.Пиллей каби бир қатор тадқиқотчилар асарларида ксенофобиянинг келиб чиқиши сабаблари, диний-ижтимоий, ирқий ксенофобиянинг намоён бўлиши билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Қаранг: Шевченко О. Ксенофобия: сущность и виды в эпохи домодерна, модерна, позднего модерна. Автореф. ... докт. филос. наук. – Ростов-на-Дону, 2014. – С. 5.

<sup>3</sup> Гурухдаги фаворитизм – ижтимоий психологик феномен ҳисобланаб, бошқа гурухларга карши ўз гурухини мутлаклаштириш ҳисобланади. [https://star-wiki.ru/wiki/In-group\\_favoritism](https://star-wiki.ru/wiki/In-group_favoritism)

<sup>4</sup> Augustine R., Augustine J. Religion, race and the fourth estate: xenophobia in the Media ten years after 9/11. The Tennessee Journal of Race, Gender, & Social Justice. // Volume 1 Spring 2012 Number 1. – P. 41. // Bahler B. Religion, Race, and Racism: A (Very) Brief Introduction // June 1, 2020. – P. 89. Hall E. Understanding Cultural Differences: Germans, French and Americans. Intercultural Press, 1990. – P. 196. // Rainey B. Religion, ethnicity and xenophobia in the bible a theoretical, exegetical and theological survey. – UK. University of Oxford, 2020. – 322 p. // Pillay J. Racism and xenophobia: The role of the Church in South Africa. – Pretoria, 2017. <http://dx.doi.org/10.4102/ve.v38i3.1655>

Ксенофобия муаммосини диний-ижтимоий, психологик, педагогик, фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилишга эътибор қаратган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари қаторига А.Крымин, Г.Энгельгардт, А.Макарчук, А.Слезин, А.Астахова, Г.Солдатова, Д.Мутагиров, Г.Сагалакова, А.Апанасюк, О.Шевченко, А.Штемберг, В.Мукомель, Н.Раджабов каби олимларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин<sup>5</sup>.

Араб тадқиқотчиларидан Мухаммад Абу Захра, Мухаммад Сайд Рамазон Бутий, Мухаммад Фаззолий, Мухаммад Жуҳаний каби олимлар асарларида динлараро муносабатлар, ислом дини асосидаги бағрикенглик, динларнинг ўзига хос жиҳатлари, инсоннинг маънавий камолоти, умумисоний фазилатларнинг устуворлиги каби масалаларга эътибор қаратилган<sup>6</sup>.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида бағрикенглик ғояларининг устуворлиги, виждон эркинлигининг таъминланиши, конфессиялараро дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, динлараро мулоқот маданиятини такомиллаштириш каби масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Айнан бағрикенглик асосларининг жамиятда тўлиқ намоён бўлиши диний ксенофобиянинг олдини олишнинг муҳим омилидир. Мустақиллик йилларида маҳаллий олимлар томонидан мазкур йўналишда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, Ш.Ёвқочев, Б.Бабаджанов, Ш.Мадаева, А.Очилдиев, Ш.Ғойибназаров, З.Исламов, Д.Рахимджанов, И.Хўжамуродов, Ў.Ҳасанбоев, К.Комилов, А.Тажиев, М.Абдухамидов каби кўзга кўринган олимларнинг мавзуга доир бир неча китоб ва мақолалари алоҳида эътиборга лойик<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Қаранг: Крымин А., Энгельгардт Г. Исламофобия // Отечественные записки. 2003. – № 5. – С. 41-49; Раджабов Н. Исламофобия в западной Европе и ее влияние на политические процессы в Центральной Азии. Автореф. ... канд. полит. наук. – Душанбе, 2016. – 24 с.; Мутагиров Д. Демократия как универсальная ценность. Курс лекций. – Москва: Логос, 2014. – 560 с.; Шевченко О. Ксенофобия: сущность и виды в эпохи домодерна, модерна, позднего модерна: дисс. ... докт. филос. наук. – Ростов на Дону, 2014. – 410 с.; Слезин А. За «новую веру». Государственная политика в отношении религии и политический контроль среди молодежи. – Москва: Академия Естествознания, 2009. – 222 с.; Противодействие ксенофобии и этнической дискриминации – Москва: Московская Хельсинкская группа, 2006. – 128 с.; Штемберг А. Ксенофобия. – Москва: Энергия, 2001. № 12. С. 68–72; Солдатова Г. Разные, но равные: большие психологические игры. – Москва, 2004. – С. 98–111; Солдатова Г., Макарчук А. Может ли другой стать другом? Тренинг по профилактике ксенофобии. – Москва, 2006. – 256 с. Апанасюк Л. Теоретико-методологические основы профилактики ксенофобии в студенческой среде средствами социально-культурной деятельности. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Тамбов, 2014. – 56 с. Мукомель В., Рыжкова С. Доверие и недоверие в международных отношениях // Социологические исследования. – Москва, 2017. № 1, С. 37–46.

<sup>6</sup> Шакъя М. Ислам била мазаҳиб. – Каир, 1991. – 128 с.; Жалий А. Диросот ал-фирак ва ат-тарих ал-муслимун ал-хавориж ва аш-шиъат. – Ар-Риёд: Марказ ал-Малик Файсал ли-ал-бухус ва-д-диросот ал-исломия, 1998. – 84 б.; Мухаммад Сайд Рамазон Бутий. Мазҳабсизлик бидъатидир / Таржимон – Алоуддин Хофий. – Тошкент: Хилол-нашр, 2013. – 186 б.; Жуҳаний. Ал-Мавсуъат ал-муяссара фи-ал-адён ва ал-мазоҳиб. – Ар-Риёд, 2000. – 244 б.

<sup>7</sup> Ёвқочев Ш., Бабаджанов Б., Рахимджанов Д., Абдусатторов А., Солиев А. Ислом ва ҳозирги замон. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – 206 б.; Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси. Монография. – Тошкент: Ношир, 2015. – 120 б.; Очилдиев А. Мафкуравий таҳдидлар ва гоявий тарбиянинг долзарб масалалари. Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / Тўпловчилар: Исломов З., Шожалилов Ш. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – 444 б.; Очилдиев А. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – 120 б.; Ғойибназаров Ш. Ҳалқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 308 б.; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёsat, дин ва миллий ўзликни англаш. – Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ нашриёти, 2010. –

Ўзбекистон ҳамиша ўз давлатчилик тарихи давомида миллатлараро тутувликни мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилишга алоҳида аҳамият қаратиб келган. Юқорида зикр этилган тадқиқотларнинг таҳлилидан шундай хуносага келиш мумкинки, Ўзбекистонда глобаллашув даврида диний ксенофобия ва унинг намоён бўлиш хусусиятларини ёритиб берувчи маҳсус тадқиқот амалга оширилмаган. Бу эса, ўз навбатида мавзуни илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170930317-сонли “Глобаллашув жараёнида экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** глобаллашув даврида диний ксенофобия ва унинг намоён бўлиш хусусиятларини илмий-назарий ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланган:**

ксенофобия феноменини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асосларини ёритиб бериш;

диний ксенофобиянинг тарихий жараёнларда намоён бўлиш сабабларини очиб бериш;

глобаллашув даврида исламофобиянинг келиб чиқиш сабабларини илмий ёритиш;

диний-ижтимоий жараёнларда диний ксенофобия ва ислом билан боғлик тенденцияларни аниқлаш;

диний ксенофобия экстремизм, терроризмни келтириб чиқарувчи омил сифатидаги ўрнини тавсифлаш;

халқаро ташкилотлар фаолиятида диний ксенофобия масаласига муносабатни ёритиши;

динлараро бағрикенглик маданиятида диний ксенофобия профилактикасининг ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда этноконфессионал муносабатларнинг ўзаро тенгхуқуқлилик ва бағрикенглик тамойиллари асосида олиб борилиши ҳамда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини ёритиб беришдан иборат.

---

170 б.; Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: Диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 550 б.; Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами / Тузувчи нашрга тайёрловчилар: Агзамхўжаев С., Зияева Д., Аширов А. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2011. – 254 б.; Каримов Ж. Жаҳолатга қарши маърифат. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. – 210 б.; Тажиев. А. Ҳадисларнинг ақидапарастликка қарши моҳияти: исл. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019; Абдухамидов М. Қуръон ва ҳадисларда экстремизмга раддиялар: исл. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020.

**Тадқиқот объекти** глобаллашув даврида диний ксенофобия намоён бўлиш хусусиятларининг илмий-назарий асосларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предметини** диний ксенофобиянинг пайдо бўлиш омиллари ва олдини олишнинг диний-маърифий асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Тадқиқот мавзусини ёритишида тарихий-тадрижий ёндашув, илмий таснифлаш, қиёсий-назарий таҳлил, таққослаш каби усуслардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

тарихда ксенофобия феномен сифатида барча халқ ва қабилаларнинг ўз худудий яхлитлигини саклашда табиий жараён бўлгани, глобаллашув даврига келиб эса, диний сегрегация, этноцентризм, гурухдаги фаворитизм, ақидапарастлик каби ҳодисалар натижасида дин ва миллатлар ўртасида содир бўлаётган келишмовчилик ва низоларнинг асосий омилига айланамётгани очиб берилган;

диний ксенофобиянинг тарихий омилларини ўрганишида унинг диний таълимот ва жамоаларни “ўзимиз” ва “ўзгалар” гуруҳига ажратиш каби салбий жиҳатлари XI-XIII асрлардаги Европа салб жамоалари ва XVI асрда Францияда бўлиб ўтган “Варфоломей туни” воқеалари мисолида тарихий-фактологик маълумотлар орқали асосланган;

глобаллашув шароитида диний ксенофобиянинг экстремизм, терроризм каби ҳодисаларга симбиозлашуви исламофобия билан боғлиқ деструктив хатти-ҳаракатлар динамикасининг ортишига таъсир кўрсатаётгани исботланган;

диний ксенофобия асосидаги “танланган миллат”, “мутлақ хақ дин вакили” каби субъектив омилларни шакллантирувчи “диний фанатизм”, “абсолютизм” тушунчаларининг шахс онгода пайдо бўлишининг олдини олишда диний-маърифий йўналишда таълим бериш энг самарали воситалардан бири экани аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуидагилардан иборат:

диний ксенофобиянинг мазмун-моҳияти, тарихий илдизлари, глобаллашув даврида намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда антисемитизм, христианофобия, исламофобия каби турлари, тарихий жараёнларда “Салб юришлари”, “Варфоломей туни” каби воқеалар мисолида комплекс очиб берилган;

глобаллашув даврида диний ксенофобиянинг намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ этиш орқали глобал ва минтақавий миқёсда содир бўлаётган муаммолар моҳиятини англаш, унинг диний-ижтимоий муносабатлар тенденциясига ҳам ўз таъсирини ўтказаётгани сабаблари илмий-назарий ёритилган;

XX аср охири - XXI аср бошларида глобаллашув натижасида диний ксенофобиянинг антисемитизм, христианофобия, исламофобия каби турлари кенгроқ намоён бўлаётгани аниқланган ҳамда улар билан боғлиқ назариялар илмий муомалага киритилган;

Ўзбекистонда этноконфессионал муносабатлар мустаҳкамланиши ва диний ксенофобия профилактикасининг асосий омили сифатида динлараро мулоқот маданиятини шакллантириш, диний бағрикенглик тамойилини тарғиб этишга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, информацион, сиёсий, маданий, таълим йўналишларида амалга оширилиши мумкин бўлган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот мақсад ва вазифаларини ёритиш ва тадқиқ қилишга қаратилган маълумотларнинг асосий қисми илмий-тадқиқот институтлари фондларида сақланаётган илмий манбалар, мутахассис олимлар асалари, статистик маълумотлар, расмий сайтлар материаллари, Scopus, Web of Science, Journal Impact Factor каби халқаро илмий базалар, ОАК рўйхатидаги маҳсус журнallар материалларидан фойдаланилгани ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Асосий Конунида шахснинг диний эркинликлари, “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти қонунлар моҳиятини англаш, шунингдек, дунё динлари тарихи, экстремизм, терроризм каби ёт ғоялар негизини ўрганиш, глобаллашув даврида дин омилиниң ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий жараёнларга таъсир этиш тенденцияларини баҳолаш ҳамда диний ксенофобия профилактикасининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим тизимида, жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ўқитиладиган “Дунё динлари тарихи”, “Ислом ва ҳозирги замон”, “Дин никобидаги таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш асослари” фанлари доирасида дарслик ва ўкув қўлланмалар яратиш, ихтисослик фанларини ўқитишида диссертация материалларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Глобаллашув даврида диний ксенофобия ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

диний ксенофобиянинг олдини олишда турли дин, мазҳаб ва дунёқараш вакиллари орасидаги фарқли жиҳатларидан қўра қўпроқ муштарак, ўхшашиб бўлган умуминсоний қадрият ва тамойилларни эслатиш, ушбу фазилатларнинг фойдали ва зарурий эканига урғу бериш, зарур ҳолларда орадаги фарқларнинг асл, эзгулик моҳиятини тўғри тушунтириш лозимлигини кўрсатиб берувчи маълумотлар Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ПЗ-20170930317 рақамли “Глобаллашув жараёнда экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш” номли амалий грант лойиҳаси (2018-2020) доирасида нашр этилган “Ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахсларни жамиятга мослаштириш, ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тавсиялар” номли китобни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 25 мартағи 02-03/1886-сон маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчилик глобаллашув даврида диний ксенофобиянинг намоён бўлиши билан боғлиқ саволларга асослантирилган жавоб олиши, шунингдек, динлараро муносабатларда юзага келувчи муаммолар ечимини топишида муҳим аҳамият касб этган;

диний ксенофобия ва исламофобиянинг олдини олишда халқаро ташкилотларнинг норматив-хуқуқий хужжатлари, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ва такомиллаштирилаётган қонунлар, диний-маърифий йўналишдаги ташкилотлар фаолияти, шу билан бирга мамлакатда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғояларини тарғиб қилиш, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар халқаро, миллий аҳамиятга эга умуминсоний қадриятлар негизига эътибор қаратиш лозимлиги борасидаги илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази томонидан буюртма асосида нашр этилган “Бухоро – ислом олами маданияти пойтахти” номли китоб мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 24 мартағи № 192/21-сон маълумотномаси). Натижада, фуқароларда исламофобияга қарши қурашда ислом маданиятининг аҳамияти ҳақида маълумот олиш ҳамда аждодлар илмий-маънавий меросини ўрганиш, миллий ўзликни англаш ва ифтихор туйғуларини уйғотишга эришилган;

диний ксенофобия асосидаги “танланган миллат”, “мутлақ ҳақ дин вакили” каби субъектив омилларни шакллантирувчи “диний фанатизм”, “абсолютизм” тушунчаларининг шахс онгода пайдо бўлишининг олдини олишда диний-маърифий йўналишда таълим бериш ва диний бағрикенглик ғояларини тарғиб этишга қаратилган илмий-назарий қарашлар И мом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан давлат буюртмаси асосида амалга оширилган «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» номли китоб-альбом тайёрланишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги И мом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 3 декабрдаги № 02/494-сон маълумотномаси). Натижада, диний бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб этиш, шу орқали диний ксенофобия профилактикасини таъминлаш, динлараро мулоқот маданиятини мустаҳкамлашга эришилган;

тариҳда ксенофобия феномен сифатида барча халқ ва қабилаларнинг ўз худудий яхлитлигини сақлашда табиий жараён бўлгани, глобаллашув даврига келиб эса, диний сегрегация, этноцентризм, гуруҳдаги фаворитизм, ақидапарастлик каби ҳодисалар натижасида дин ва миллатлар ўртасида содир бўлаётган келишмовчилик ва низоларнинг асосий омилига айланаштагани ҳақидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканали таркибидағи “O’zbekiston tarixi” телеканалида намойиш этилаётган “Тақдимот” номли тизимли кўрсатувлар сценарийсини тузишида фойдаланилган (Ўзбекистон

миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 6 декабрдаги 02-40-2581-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатув мазмунни назарий савиясининг ортишига ҳамда кенг жамоатчиликнинг диний ксенофобиянинг пайдо бўлиш омиллари, намоён бўлиш хусусиятлари ва олдини олишнинг диний-маърифий асослари бўйича билимларга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, унинг вазифалари, шунингдек, обьекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Диний ксенофобияни тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида диний ксенофобиянинг мазмун-моҳияти, тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари, тарихий илдизлари, глобаллашув даврида намоён бўлиш хусусиятлари қамраб олинган.

“*Ксенофобия феноменини тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари*” деб номланган биринчи параграфда ксенофобия тарихи эволюцияси, тадқиқ этиш методологияси, турлари ҳақидаги маълумотлар таҳлилий ёритилган. Ксенофобия икки маънога эга бўлиб, биринчиси бегона кишилардан қўркув бўлса, иккинчидан, ўзга миллат, дин, ижтимоий-маданий гурух, бошқа географик мансубликка эга кишилардан бегонасираш, нотаниш нарса-ходисаларда қўркувнинг акс этиши фактологик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Ижтимоий муносабатларда юзага келувчи иррационал, назорат қилиб бўлмайдиган ва эмпирик қўркув – “фобия” турлари мавжудлиги З.Фрейд, М.Ролло, В.Франкл, А.Маслоу<sup>8</sup> каби олимларнинг

---

<sup>8</sup> Фрейд З. Введение в психоанализ. – Москва, 1997. – 760 с.; Мэй Р. Открытие Бытия. – Москва: Институт Общегуманитарных исследований, 2004. – 224 с. Франкл В. Основы логотерапии. Психотерапия и религия. – 12

назариялари асосида ёритилган. Жумладан, қўрқув мавжуд, реал ва невротик турларга, яъни реал қўрқув – мавжуд, рационал ва тушунарли бўлиб, у хавфга нисбатан табиий хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши, невротик, иррационал қўрқув эса мавжуд бўлмаган нарса ва ҳодисалардан қўрқишни келтириб чиқариши, диний ксенофобиянинг намоён бўлиш омили сифатида тадқиқ қилинган.

Диний ксенофобия турли динлар билан боғлиқ тушунчалар, кишилар, гурухлар ва бошқалардан қўрқув ҳиссиёти ва унга нисбатан салбий муносабатдан келиб чиқувчи хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланиб, одатда нафрат ва ғазабни келтириб чиқариб, деструктив фаолиятга туртки бўлиши илмий-назарий асосда ёритилган.

Диний ксенофобия моҳиятан исламофобия, христианофобия, антисемитизм каби кўринишларда ўз аксини топади. “Исламофобия” ислом дини ёки мусулмонларга нисбатан салбий муносабат, қўрқув, хавфсираш, нафрат кўринишида намоён бўлади. Мазкур атама 1980 йилларда илмий муомалага киритилган бўлиб, 1997 йилда Британия илмий маркази Runnymede Trust томонидан нашр этилган, “Исламофобия – барча учун чақирув (таҳдид)” номли ҳисботида<sup>9</sup> унинг “ислом ва мусулмонлардан қўрқув ва нафрат туйғуси сифатида таснифланиб, жамиятнинг ҳар бир қатлами ва ОАВда кенг тарқалган воқеликка айланиб қолган” и таъкидланади.

Христианофобия – христиан дини, таълимоти ва эътиқод вакилларини камситиши ва муросасиз муносабатда бўлишни англатади. Мазкур атама 2004 йилда ҳукуқшунос Д. Вайлер томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, бунга асосан консерватив католик сиёsatчи Р. Буттильоненинг Европа Иттифоқи комиссарлигига номзоди рад этилиши сабаб бўлган. Европарламент депутатлари томонидан Р. Буттильоненинг амалиётчи католик сифатида объектив сиёsat олиб бориши шубҳа остига олиниб, унинг гомосексуаллик гуноҳ экани ва Европада туғилиш даражасининг пастлигига, аёлларнинг ўз қасбий фаолиятларига ҳаддан ортиқ боғланиб қолганлари ҳақидаги фикрлари натижасида келиб чиқсан.

“Антисемитизм” атамаси немис журналисти Вильгельм Марр томонидан 1879 йилда олиб кирилган бўлиб, у ўз тарафдорларини “антисемистик лига” деб атаган<sup>10</sup>. Немис тарихчиси М. Владика термин 1865 йилда “Rotteck-Welckeschen Staatslexikon” номли энциклопедияда мавжуд бўлгани, хатолик туфайли Маррга тегишли экани ҳақида маълумотлар келтирилган<sup>11</sup>. Антисемитизм яхудий дини ва миллати вакилларига нисбатан ижтимоий-иқтисодий, диний-сиёсий кўринишдаги камситишларда намоён

---

Санкт-Петербург: Речь, 2000. – 286 с.; Маслоу А. Мотивация и личность. – Санкт-Петербург: Питер, 2008. – 352 с.

<sup>9</sup> Islamophobia: A Challenge For Us All (Runnymede Trust) 1997. <https://www.runnymedetrust.org/111> (14.08.2020)

<sup>10</sup> Michael W. Devising Unified Criteria and Methods of Monitoring Anti-Semitism // Jewish Political Studies Review. — Jerusalem Center for Public Affairs, Spring 2009. — Vol. 21, — P. 1–2.

<sup>11</sup> Wladika M. Hitlers Vätergeneration: Die Ursprünge des Nationalsozialismus in der k.u.k. Monarchie. — Wien, 2005. — P. 60.

бўлиб, миллатчилик ва ксенофобиянинг бирлашиб кетиш ҳолатларига мисол бўла олади.

Мазкур бобнинг “Диний ксенофобиянинг тарихий жараёнларда намоён бўлишини ўрганиши” деб номланган иккинчи параграфида салб юришлари диний ксенофобиянинг тарихий кўринишларидан бири сифатида тадқиқ этилган. Салб юришлари Ғарбий Европа мамлакатлари христианларининг Яқин Шарққа XI-XIII асрлар давомида мусулмон мамлакатларига уюштирган юриши ҳисобланиб, унинг бир қанча омиллар туфайли бошлангани ёритилган. Диний ксенофобиянинг салбий оқибати сифатида черковнинг биргина тарғиботи туфайли улкан кучга айлангани, натижада икки дин вакилларининг ўзаро тўқнашувларига сабаб бўлгани тарихий-тадрижий контекстда очиб берилган.

М.Булл, С.Ллойд, Ж.Рейли-Смит, Н.Аҳмад каби олимлар томонидан салб юришлари тарихи, келиб чиқиши сабаблари, моҳияти, хронологияси, хусусиятлари тадқиқ этилган<sup>12</sup>.

Францияда 1562-1598 йиллардаги католик ва протестантларнинг кальвинизм йўналишига мансуб, “тугенотлар” ўртасида фуқаролар уруши бўлиб ўтган. Бунга асосий сабаб сифатида XVI асрда Франция давлатига қўшни Германиядан протестантлар кириб келиб, улар асосан католик черковининг индульгенциялар, мансабларнинг сотилиши каби қоидаларига қарши чиқсанлар. Протестант ҳамда католик йўналиши вакиллари ўртасида тўқнашувнинг асосий сабаби эътиқод эркинлигининг чекланиши туфайли содир этилиб, католикларнинг мавжуд ҳукмронликни қўлдан бой беришдан хавфсираши урушнинг янада авж олишига асосий сабаб бўлган. Фақатгина, 1598 йилга келиб “Нант қарори”нинг қабул қилиниши мамлакат бўйлаб эътиқод эркинлиги таъминланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган.

Мазкур бобнинг “Глобаллашув даврида диний ксенофобия кучайишига таъсир кўрсатувчи омиллар” деб номланган учинчи параграфида XX асрнинг сўнгти чораги ҳамда XXI аср бошларида диний ксенофобия намоён бўлишининг диний-ижтимоий, иқтисодий-демографик омиллар туфайли кучая бошлагани очиб берилган.

XX асрнинг 90-йилларида жамиятнинг начорликдан қутулишга мойиллиги тенденцияси кузатилган бўлса, бугунги кунда ижтимоий юксалишдаги рақобат, нуфузли иш ўринларини эгаллаш, сифатли уй-жойга эга бўлиш, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда юқори даражадаги хизматларни қўлга киритишга интилиш кўринишларida намоён бўлмоқда. Жумладан, глобаллашув даврида диний ксенофобиянинг кучайишига – дунёning бир қанча минтақаларида таълим олиш имкониятларининг пастлиги, ишга жойлашишдаги муаммолар, миграция тўлқинининг ортиши асосий сабаблардан бўлиб, жамиятда ижтимоий таранг вазиятни юзага келтирмоқда.

---

<sup>12</sup> Қаранг: Riley S. A History of the Crusades. Oxford University Press, 1995. – P. 142.; Rimciman A. History of the Crusades. 3 Vols. – Cambridge, 1997. – P. 54.

Бугунги кунда халқаро маконда кўп тармоқли интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг чуқурлашиб, кенгайиб бориши, глобал аҳамиятга молик янги умуминсоний ғояларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларни тарғибот-ташвиқот қилиш технологияларининг такомиллашуви, глобаллашувнинг асосий сабаби ҳисобланмоқда. Глобаллашув муайян даражада ксенофобия ва унинг салбий жиҳатдан намоён бўлишига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Диний ксенофобиянинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказаётгани қуйидаги рақамларда намоён бўлади. Жумладан, XX асрдаги можароларнинг 25%и диний омил, яъни эътиқод эркинлиги асосларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган бўлса, XXI асрнинг бошида бу рақам 43% ни ташкил қиласа. Сўнгги ўттиз йил ичидаги содир этилган 50 дан ортиқ низо ва урушлар дин ниқоби остида амалга оширилган. 1990 йиллар бошида 500 га яқин террорчи ташкилот ва экстремистик гурухлар рўйхатга олиниб, 2017-2019 йилларда 139 та давлатда 6500 га яқин террористик ҳужум ва кўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилган. Шундан, 35 давлатдаги ноқонуний ҳаракатлар қотиллик, оммавий намойишлар, диний мутаассибларнинг бошқа дин вакилларига нисбатан агресив фаолиятида намоён бўлган. Фақатгина 2017 йилнинг ўзида жаҳонда 11774 та террористик ҳаракатлар содир этилиб, 28000 кишининг ўлими ва 35000 дан зиёд кишиларнинг жабрланишига олиб келган. Мазкур террористик ҳужумлар 30 дан ортиқ давлатларда содир этилиб, уларнинг 55% дан ортиғи Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Нигерия ҳиссасига тўғри келади. Ҳалок бўлганларнинг 74% Ироқ, Афғонистан, Нигерия, Сурия, Покистон фуқаролари ҳисобланади.

Диссертациянинг “XX аср охири - XXI аср бошларида диний ксенофобия намоён бўлишининг минтақавий ва глобал хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобида диний-ижтимоий жараёнларда ксенофобия ва ислом билан боғлиқ тенденциялар, глобаллашув даврида исламофобиянинг келиб чиқиши сабаблари, диний ксенофобия экстремизм, терроризмни келтириб чиқарувчи омил сифатидаги ўрни илмий асосда тадқиқ этилган.

“Глобаллашув даврида исламофобиянинг келиб чиқиши сабаблари” деб номланган биринчи параграфда исламофобиянинг глобаллашув даврига келиб кўпроқ намоён бўлиш сабаблари ёритилиши билан бирга, Мухаммад (с.а.в.) илоҳий ҳақиқат ва ваҳийни қабул қиласа даврда Мадинада яхудий, насроний қабилалари “Бану Қайнуқо”, “Бану Қурайза”, “Бану Назир” томонидан ислом таълимоти рационал қабул қилинмагани ҳам илк ислом даврида муайян даражада исламофобиянинг пайдо бўлиш омиллари мавжуд бўлгани илмий-назарий қарашлар орқали очиб берилган.

Тадқиқотда глобаллашув даврига келиб, исламофобия билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар кучайишига ислом ниқоби остидаги деструктив, экстремистик гурухлар фаолияти ҳам сабаб бўлаётгани аниқланган. Исламофобия термини XX асрда пайдо бўлган бўлса-да, унинг жамиятда намоён бўлиши сўнгги 20 йил давомида кўпроқ кузатилмоқда. Мутахассислар томонидан мазкур фобия тури 2001 йил 11 сентябрь

воқеаларидан сўнг авж олиб, Европа мамлакатлари ва АҚШда исломни экстремизм, терроризм каби ҳодисалар билан бир қаторга қўйиш, мусулмонлар эса зўравон ва тажовузкор инсонлар сифатида тасаввур этиш ҳолатлари кучайгани тъкидланган.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, бугунги кунда исламофобиянинг намоён бўлиши сезиларли даражада ортиб, глобал кўринишга эга бўлиб бормоқда. 1960 йиллардан сўнг, Осиё ва Африка давлатлари узоқ йиллик мустамлака сиёсати натижасида иқтисодий-ижтимоий соҳаларда тараққиётдан ортда қолган бўлиб, улар мустақилликка эришгач, кишилар тўкис ҳаёт илинжида Гарб мамлакатларига катта жамоаларда жойлаша бошладилар<sup>13</sup>. Натижада, маҳаллий аҳоли ва муҳожирлар – бегона дин ва маданият тарафдорлари ўртасида ўзига хос муносабат шаклланиб, бугунги кунда у муайян маънода исламофобиянинг кучайишига сабаб бўлди.

Исламофобиянинг ортишига шунингдек, ОАВ ва кибермакондаги нохолис ахборот, маълум кучлар томонидан исломнинг нуфузини қадрсизлантиришга уриниш, унинг асл эзгулик ғоялари, тинчлик ва тараққиётни тарғиб қилувчи дин сифатидаги ўрнини эътиборсиз қолдириш ҳолатларида намоён бўлмоқда. Аслида эса, ислом маданияти асрлар мобайнида нафақат мусулмонлар, балки Ер юзидаи барча дин вакиллари учун улкан маданий-маънавий мерос бўлиши билан бирга ижтимоий тенглик ҳиссини тақдим этгани ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган.

Мазкур бобнинг “Диний-ижтимоий жараёнларда диний ксенофобия ва ислом билан боғлиқ тенденциялар” деб номланган иккинчи параграфида XX аср охири - XXI аср бошларида дунёнинг этноконфессионал манзарасига таъсир кўрсатаётган диний ксенофобия билан боғлиқ вазиятлар, дунёнинг баъзи нуқталарида гоҳида кичик қонунбузарликлардан тортиб, кескин вазиятларни юзага келтирувчи экстремистик ва деструктив фаолиятнинг ортиб бориши масалалари ёритилган.

Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳридаги “Ан-Нур” ва “Линвуд” масжидларида 2019 йилнинг 15 марта содир этилган террористик ҳаракат 51 дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлди. 40 га яқин мусулмон яраланишига олиб келган. Мазкур ҳолат ксенофобия ва исламофобиянинг авж олиши сифатида намоён бўлиб, террористик ҳужум Янги Зеландияда яшовчи асли австралийлик Брентон Таррант томонидан амалга оширилган. “Буюк ўзгариш” (“The Great Replacement”) номли манифест муаллифи сифатида Б.Таррант “европоид ирки вакилларининг устунлиги” ҳақидаги фитна назариясига асосланган.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти Мьянмадаги роҳинжаларга нисбатан содир этилаётган жиноятларга гувоҳ бўлмоқда. Роҳинжалар Мьянма давлатидаги миллий, этник гуруҳ бўлиб, асосан ислом динига эътиқод қиласади. 1 миллионга яқин ушбу мусулмонлар жамоаси Ракхайн штатида

<sup>13</sup> Трофимова О. Мусульмане и ислам в Западной Европе. – Москва: Журнал. Мировая экономика и международные отношения, 2009. – № 10. – С. 52.

истиқомат қилиб, улардан ташқари буддавийлик динига эътиқод қилувчи аҳоли сони ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мазкур диний-этник жамоалар ўртасидаги можаро узоқ тарихга эга бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида, Британия армиясининг мамлакатни тарқ этганидан сўнг кучайган. Можаронинг бугунги кунда ҳам барҳам топмагани билан боғлиқ маълумотлар глобаллашув даврида диний ксенофобиянинг намоён бўлиш хусусияти сифатида тадқиқ этилган. Мазкур вазият инсон ҳуқуqlари камситилиши ва диний ксенофобиянинг салбий оқибати бўлиб, икки миллат ва дин ўртасидаги мулоқот маданиятининг шаклланмаганилиги, келишмовчиликларни олдини олишга қодир ижтимоий-сиёсий институтларнинг заифлиги ёки самарасиз фаолият олиб бориши сифатида баҳолаш мумкин. Мамлакатдаги диний-маърифий жараёнлар, миллатлараро тотувликнинг фундаментал асослари яратилмаганидан далолат беради.

“Диний ксенофобия – экстремизм, терроризмни келтириб чиқарувчи омил сифатида” деб номланган учинчи параграфида диний ксенофобия экстремизм билан айнан бир турдаги тушунча ҳисобланмаса-да, уни хавфли кучта айлантириш учун муҳим омилга айланиб, ксенофобик кайфият аксар ҳолларда экстремистик ғояларга “хомашё” вазифасини ўтайди. Диний ксенофобия экстремизм, терроризмга қарши курашда асосий тўсиқ сифатида намоён бўлиб, унинг олдини олиш имкониятларини йўққа чиқаради.

Экстремизм асосидаги диний, ижтимоий, миллий кўринишдаги тоқатсизлик одатда тарихий ўзгаришлар даврига хос бўлиб, бир қатор тадқиқотлар натижаларига кўра, шахс онгида ксенофобия ва тажовузкорликнинг ортиши, ўз ижтимоий мавқеидан пастлаш натижасида ҳам юзага келиши қайд этилган.

Экстремизм, терроризмнинг ибтидоси сифатида диний ксенофобия, шунингдек, конфессионал гуруҳларнинг ўзларини негативизм асосида намоён этишга ҳаракат қилиши оқибатида ҳам юзага келади. Мутахассислар томонидан бу каби ўз-ўзини намоён этишнинг иккита ўзаро қарама-қарши жиҳати – “биздан маданий нуқтаи назардан қўйи даражадаги гуруҳларга нисбатан негативизм” ва “бошқа гуруҳларга нисбатан биз ҳис қилаётган рақиблиқ, зарар ва хафагарчиликдаги негативизм” турларига ажратилади.

Шахс истак-ҳоҳишли, уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги тафовутнинг ортиши натижасида ҳам онга радикал фикр, муносабатларнинг юзага келиши ҳолатлари қузатилади. Норозилик эса айборни излашга олиб келиб, – одатда у “бегона” – ҳукумат, рақобатчи гуруҳ, бошқа дин, миллат вакилларига қарши қаратилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илмий-назарий қарашларни ўз ичига олади.

Диссертациянинг “Динлараро мулоқот маданиятида диний ксенофобиянинг олдини олишнинг аҳамияти” деб номланган учинчи параграфида халқаро ташкилотлар фаолиятида диний ксенофобия масаласига муносабат, динлараро бағрикенглик маданиятини мустаҳкамлашда диний ксенофобия профилактикасининг ўрни ва Ўзбекистонда конфессиялараро

муносабатларда диний бағрикенглик тамойилининг устуворлиги масалаларини илмий асослашга бағишиланган.

“Халқаро ташкилотлар фаолиятида диний ксенофобия масаласига муносабат ва уни олдини олишининг диний-маърифий асослари” деб номланган биринчи параграфда бугунги кунда диний ксенофобия муаммосининг олдини олишда халқаро ташкилотлар томонидан мунтазам равишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар унинг глобал миқёсдаги муаммо эканини кўрсатади. Жумладан, БМТ томонидан диний ксенофобия ва мутаассибликка қарши кураш ва диний бағрикенглик ғояларининг устуворлиги масалаларига бағишиланган бир қатор ҳужжатлар мавжуд.

